



КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси комиссиясида
ҲАМОН КУН ТАРТИБИДАГИ МАСАЛА

◆ № 249 (9495). • 1988 йил 27 декабрь • сешанба • Баҳоси 3 тийин.

СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИДА

министрлар Совети раисининг ўринбосари, СССР Қўрсатиб берилган раиси Л. А. Воронин Арманистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари С. Г. Арутюнян иштирокида тирок эътибор.

XХIII Тошкент область партия конференцияси

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ
КОМИССИЯСИННИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДЛАРИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

ра комиссиялар тузилма-
Балки шунинг учун кўн-
масаларда область пар-
комитети томонидан эъ-
балки унинг аппарати то-
нидан ишлаб чиқилган
ҳал этилгандир. Ҳаттоки,
ласть партия комитетининг
иш плани ҳам унинг ат-
лари муҳофазасига қўй-
май тасдиқланади.

акциялари умуий маж-
ларда қатнашиш, баъ-
плenumларда сўзга чи-
руу ва секретариатга
саламлари тайинлай-
брасиди, составни шай-
кейин шу масалалар му-
камасида қатнашишдан
рат бўляпти.

Шу нарса ҳам тушу-
сивизи, ишнинг айрим за-
йуналишлари бўйича ҳа-
бот даврида область пар-
комитети аъзоларидан
рат комиссиялар тузил-
Балки шунинг учун қў-
масалар область пар-
комитети томонидан эъ-
тилган, ушундан таш-
қилиб ишлаб чиқарган
ҳал этилганда, Ҳаттоки,
ласть партия комитетин-
ли плани ҳам унинг ат-
лари муҳокамасига қў-
май тасдиқлана.

Д. Догдига, 2.6.61 йил

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ
КОМИССИЯСИННИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДЛАРИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

ҳам маблаг' тўлади. Сўнг-
дан ширинилар ямарна-
лашга тоштин. Бир-бири-
ни 15 минутда (ҳамаму) бу ширинликларни болаларнинг
ўзлари тайёрладилар ва
сотдилар) 120 сўм тушди.
Уларни ҳам Арманистонга
юборди. Пулни болалар-
нинг ота-оналаридан олиш-
ўригига ўзимиз топганимиз
яхши. Район ижроия коми-
тетлари ҳузурида болалар-
га бир ишадиган қандайдир
алоҳида комиссиялар бўли-
шлари тақдир этаман

АТОВ —
Мусамухамедов номли
бошлиғи

на ва ташиқлотлар раҳбар
ларининг хўжасизларча бош
бошдиқлик билан шўжурта
ётанлиқлари оқибатидир
Шаҳарлар ва районлар бош
планларига мувофиқ ҳамма
саноат зоналари Чирчиқ да
рёси соҳилларига жойлаш
ган. Бир қатор йирик кор
хоналар жўмладан, «Напро
лактам» ҳам шў ерда жой
лашган. Холбунки сувайди
корхоналар аҳоли яшайдиг
ан жойлардан анча олисда
бўлиши керак.

Ҳарбир шаҳар ва қишлоқларнинг саноат зоналари қўлпаб сув талаб этади. Улар учун канализация зарур. Фойдаланилган техникани сувни ва ҳар хил саноат чиқиндиларини ташқарига чиқариб юборишлар керак. Хўш, буларнинг ҳаммаси қаерга чиқарилади? Аввал ҳам қиммат қўлпаб ҳоҳласангиз, ўша ёққа. Маҳаллий ҳукуматнинг назорат қилмаётганликлари оқибатда янги-янги ахлатхоналар пайдо бўлади. Очiq-ойдин айтиш керакки, Чирчиқ дарёси ҳам канализация коллекторига айланib қолди. Ҳамма қорхоналар ўзларидан чиқаётган ифлос оқава сувларини онг жўл усудла тозалайдилар. Улар учун муҳими шуки, ифлос сувларни ўзларидан ифлороққча оқизиб юборсалар бас у ёғи билан ишлаш йўқ. Ҳолбуки, куйи соҳиллардаги аҳоли шу сувлардан фойдаланади. Дардан келинказе район партия комитети, район ижтимоий комитети, район меҳнатчилари куйидаги тақлифни қилди: атмосфера ҳавоси сув ресурслари, Чирчиқ ва Ангрен дарёлари бўйларидagi массивларнинг санитария ҳолатини ўрғанадиган ва аҳолини комплекс яшиишга қаратилган тақлифлар ишлаб чиқувчи давлат комиссияси тузилсин.

ОЛОВА —
К комбинати ишчиси

мевалар узлуқсиз етказиб
 берилиши. Уларнинг си
 фати ҳам аъло.

Бу қўлайликлардан мам
 нун бўлиб турган пайти
 мизда республика Министр
 лар Советининг қарорин
 чиқди. Ахир XIX партия кон
 ференциясида бунинг аксия
 тини ёрдамчи ҳўжаликлар
 нинг муस्ताҳкамлашини ва
 раёвдорлашини учун бутун ко
 ралар билан кўмаклашиш
 кераклиги таъкидланган
 эди-ку? КПСС Марказий
 Комитети ва СССР Министр

лар. Республикада ўз қарорлар ва Советлардаги Компартиялари Марказий Комитетлари ва Министрлар Советлари, область, шаҳар ва район партия комитетлари қисқа вақт ичда ҳўжалик ҳисобини ўзлаштириш ва корхона, ташкилот, муассасаларнинг ёрдамчи ҳўжаликларини рентабелли қилишга эришиш вазифасини топишган эди. Енгил саноатда министрилик эса шў ҳўжжатга асосланб тармоқдаги ҳар бир корхонанинг ўз ёрдамчи ҳўжалигига ёга бўлишини шарт қилиб қўйди. Наҳотки, ана шў қарорларнинг ҳаммаси бекор қилинган бўлса? Ёки бошқалар чиқидими? Агар ундай бўлмаган бўлса бизнинг республика раҳбарларимиз нима учун бу қарорларга қарши бормоқдалар? Область партия комитети нима учун норозилик билдирмайдими? Қачонгача сўзгаимиз бошқанишимиз бошқа бўлади?

Ушмииз ҳақимизда гапни радиған бўлас, биз ёмёи ишлаётганимиз йўқ. Кўп йиллардан бери биринчи марта планларни бажариш имкониятига эга бўлиб борадимиз. Холбуки, реконструкция туйфайли анча ноқулай шароитда ишляямиз. Меҳнатини, турмушини ва дам олишини яхшилаш учун анча ишлар қилинди. Хўжалик юриитининг янгича шароити ижодий меҳнат учун кент имкониятлар йўлини очиб берди, хўжалик ҳисоби жорий этиляпти. 1989 йилнинг 1 январидан бошлаб комбинат унинг иккинчи модели бўйича ишляшга ўтади.

(Давоми 3-бетта)

XXIII Тошкент областъ партия конференцияси

ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ КОМИТЕТИНИНГ ВА ОБЛАСТЬ ПАРТИЯ ТАШКИЛОТИ РЕВИЗИЯ КОМИССИЯСИНИНГ ҲИСОБОТ ДОКЛАДЛАРИ ЮЗАСИДАН МУЗОКАРАЛАР

(Давомий, Боши 2-бетда).

Бир сўз билан айтганда биз янги ҳисоботида ишлашга, ўзимизнинг муаммоларини ўзимиз бартараф этишга ўргандик, ўзимизнинг куч ва имкониятларини шундангина бўлиб қолдик. Демак, комбинатизмнинг аввалги шон-шух-

ратини ўзинга қайтарамиз. Бунинг учун ҳозир бизга ҳалал бериш эмас, ёрдам қилини чўзиш керак. Лекин биз партия ташкилотларимизга областъ партия комитети томонидан ҳозирча ана шундай ёрдам бўлгани йўқ, деб ҳисоблаймиз. Унинг ҳодимлари комбинатизмда камдан-кам бўладилар.

Н. И. ЕМЕЛЬЯНОВ —

Куйбишев район партия комитетининг биринчи секретари



Бу беш йилликда районда уй-жой қурилиши кўлами кенгайди, мактаблар, мактабгача тарбия муассасалари, шифохоналар қуриш лани бажарилмоқда. Пул-ли хизмат кўрсатиш ҳажми 2,5 баробар кенгайди. Давлат сифат белгиси билан чиқарилаётган маҳсулотлар 2 баробар кўпайиб, аттестациядан ўтган маҳсулотларга, нисбатан 60 процентини ташкил этапти.

Лекин булар ҳамма жойда яхши томонга қараб тўла ўзгаришлар рўй бераётган. Деган маънони билдирмайди. Ҳўжалик юртишнинг янги механизми ишлаб чиқаришга ёндашув системасини ўзгартири, деишга ҳали эрта. Партиянинг ишларида ҳам тўб ўзгаришлар сезилмапти.

Бир йилдирки, «Средазкабель» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳўжалик ҳисоби шариотида меҳнат қилмоқда. Бу ерда янги ҳисоботида кўндаланг бўлган бир қатор камчиликлар бirlашмави қийин аҳволга солиб қўйди. Ташқаридан факат ишлаб чиқаришдаги муаммолар кўзга ташланса-да, аммо амалда улар бевосита 4 минг кишилик коллектив ҳаётига алоқадор бўлиб, сийсий туз бермоқда. Бу ерда амалий конкрет ишлар қилиш керак.

Шу мубосабат билан партиявий ишнинг асоси бўлган кадрлар масаласида ҳам тўхталиб ўтмоқчиман. Кадрларнинг ҳаммаси ҳам топширилган иш учун шахсий жавобгарлиқни тўла ҳис этапти, деб айти олмаимиз. Ҳали ҳам қобилиятли, иқтидорли раҳбарлар етишмапти. Эскича одат бўйича кўпгина кадрлар ҳамон юридан топшириш кутуш одагини тарк этмагандилар. Бу ерда областъ партия комитети секретари В. Г. Гордиенко томонидан таъсирчан чоралар қурилишини исдрардик.

Ҳозирча у янги вазифаларни эскича усулда ҳал этишга ҳаракат қилапти. Стратегик масалалар эътибордан четда қолляпти.

Район, шаҳар, областъ партия комитетлари номеклатурасидаги кадрлар ҳусусида ҳам ўйлаб қуриш зарур. Кадрлар номеклатураси жуда ҳам катта, бошқариш қийин. Ҳамма кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйиш масалалари билан шуғулланилти-ю, амалда дурустроқ ўзгариш кўзга кўринмапти. Кадрлар муаммосини ҳал қилиш йўлида таъсирчан чоралар қуриш керак.

Энди партияга қабул масалаларидаги баъзи муаммолар ҳақида тўхталмоқчиман. Партияга қабул қилишда талабчанлиқни ошириш керак деган кўрсатма бўлгандан сўнг кўпгина партия комитетлари ва бюралари амалда бу иш билан шуғулланмай қўйдилар. Фақат шу йилнинг ўзида райондаги 305 та бошланғич партия ташкилотининг 200 дан кўп-

роғида партия сафлари ўсмади. Партияга қабул икки марта қамайди. Иккунчи союзлар, илмий-тадқиқот институтлари, ссгилқини сақлаш муассасалари ва мактаблар партия ташкилотларида қабул умуман тўхтаб қўйилди.

Ишчилар ва ёшлар ўртасида партияга аъзо бўлиш истатини билдирганлар сонининг қамайиб бораётганлиги ҳам бизда катта ташвиш туғдиримоқда. Партияга киришни хоҳламовчилар ҳам бўлди. Коммунистлар ўртасида баъзан партиявий ўртоқлик сезилмапти. Шундай шароитда партия сафарининг соғлиғи устида ҳам ҳўрлик қилиш, амалдорлар, эътиқодсиз кишилардан сафаринини ҳалос этиш биринчи галдаги вазифамиздир. Оз бўлсан ҳам қисқалашган бўлайлик. Оз бўлса ҳам сўз бўлсин деган ленинча талабини унутмайлик.

КПСС Марказий Комитетининг партияга қабул қилиш ва партия сафларини мустаҳкамлаш борасида Тошкент областъ партия ташкилотини ишдаги жиддий камчиликлар тўғрисидаги мажбурий қарори қандай бажарилаётганлигини чуқур таҳлил қилиб чиқиш пайти келди. Область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов бу қарор қандай бажарилаётганлиги устидан назоратини кейинги пайтда биров бўшатириб юборди. Бу борада қурилаётган тадбирлар тўла бажарилмай қолляпти. Партия комиссиялари жойларда бўлиб, партияга қабул масаласи қандай йўлга қўйилганлигини ўрганмайлоти.

Ҳисобот докладыда кент истеъмол молларини қўпайтириш, кооперативлар ҳаракатини кенгайтириш соҳасидаги муаммолар ташвишланиб тилга олинди. Бу беш йилликда районимизда кент истеъмол товарлар ишлаб чиқариш 32 процентга кўпаяди. Бу йил 460 та кооператив рўйхатга олинди. Улар 9 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарди. Лекин ҳамма кооператив ҳам умидимизни оқлатмапти, деб бўлмайди. Тикучлик ва бошқа хил буюмлар сифати паст, қиммат. Товарларнинг арзонлигини ишлаб чиқаришдан қисиб чиқариш ҳамон давом этапти. Область партия комитетини бюроси, секретарлари бу соҳани ҳам назорат остига олишлари зарур. Ахир, республика Министрлар Совети, Госплани, министрлик ва идоралар ҳодимлари областъ партия ташкилотини ҳисобиде турадилар-ку.

Энди озиқ-овқат маҳсулотлари муаммоси устида тўхталмоқчиман. Районимизда партия ташкилотини делегатлари, ишчилар ва олимлар бу ҳусусда алоҳида таҳлирини менга топширишди. Ҳақиқатан ҳам бутунги кунда мағзини пештахталарига қўйилган молларга қараб қайта қуриш қандай бажарилаётганлига баҳо бериш мумкин. Область партия комитетининг пленумларида озиқ-овқат масаласида бир неча бор принципиал гап бўлди. Лекин ўзгариш сезилмапти. Ўйлайманки, озиқ-овқат муаммосини ҳал этишда энг аввало областъ партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мирқосимов ҳал қилувчи ролни ўйнаши керак.

А. К. ЭРГАШЕВ —

«Ўзбекгидроэнергострой» трести бошқарувчиси



— АГАР турғунлик даврида электрэнергетика юксак суръатлар билан ривожланиб ва Тошкент областининг энергетика базаси ҳар беш йилликда 1 миллион киловатт-соат кўпайиб борган бўлса, шу беш йилликда у яна 1,5 миллион киловатт-соат ўсса, кейинги беш йилликка бориб, областда бирорта ҳам электрэнергетика объекти қурилмайдилар. Ҳолбуки, областъ экономикаси тараққиётининг янги суръатлари етарли энергетика базаси йўқлиги учун сусаяди. Шу мубосабат билан ишлаб чиқариш кучларининг ўсиши ҳам пасаяди.

Ўзингиз ўйлаб кўринг: областъ табиий газга эга эмас, кўмир разрезни секинлик билан реконструкция қилинлпти, умуман электрэнергетикани ривожлантириш учун кўмир ресурсларининг ўзи йўқ. Шунга қарамай, областнинг Псков ва Чотқол дарёларида мавжуд бўлган гидроэнергетика ресурсларини халқ ҳўжалиги учун хизмат қилдириш масалалари йўлаб чиқиш билан ҳеч ким шуғулланмапти. СССР Энергетика министрлиги тармоқ институтларининг ўрганиб чиқишлари бўйича ана шу дарёларда умумий қуввати 2 миллион киловатт-соат бўлган гидро-

Р. Р. САЙТБОВ —

область ижроия комитети ички ишлар бошқармаси бошлиғи



бу ишда ҳар бир киши қалбига етиб бормаймиз деб, жуда тўғри гапирди.

Ҳозир биз студентлар ўртасидаги салбий иллатлар ҳақида гапирармиз. Афтидан, биринчи навбатда уларга нисбатан доимий ғамхўрликнинг йўқлиги, турмушларининг бекалолатлиги оқибатида ана шу иллатлар пайдо бўлмоқда. Бу соҳада областъ партия комитетининг идеология бўлими бурчи каттадир. Бўлим биринчи навбатда ўзининг иш усулини қайта қуриш лозим.

Мен тарбиявий ишлардаги камчиликлар ҳақида бежиз гапирмадим. Маъмурий органлар ҳодимлари бундай нуқсонлар билан кўпроқ тўқнашиб турадилар. Ҳозирги вақтда партия комитетлари идеология ишлари ҳар қанчада ҳам кўпроқ, аниқ қисқадан кўзлаб, жанговарлик билан олиб боришлари ва бу ишга унчинчи секретарлар эмас, биринчи секретарлар бошчилиги қилишлари керак. Шундай қилинганда, идеология ишига бошқарув ҳам эътиборини қурайтирадилар ва қайта қуриш зарур тезликка, зарур куч-гайратга эга бўладилар.

Аниқ тақлифлар киритишни истайман. Республикадаги, областдаги аҳволни ҳақиқатан билш учун ижтимоий фикрни ўрганиш, шакллантириш ва прогноз қилиш бўйича марказ тузиш зарур. Область партия комитети ҳузурида ҳам шундай марказ бўлиши лозим. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг фалсафа ва ҳуқуқ институтини унинг базаси бўлиши мумкин. Бу ишга бошқа институтлардан ҳам йирик мутахассисларни жалб этиш керак.

Бу марказ нима билан шуғулланади? Бу ёшларни тўқилантираётган муаммолар, турли хил ёшлар уюш-

Лекин шунга қарамай бу ерда бир қатор ибратли ишлар қилинмоқда. Айни кунларда 250 тонна мўлжалланган молхона қуришга ҳозирлик кўрмоқдалар. Ижара пудрати асосида ишлашга киришилди. Ижарачи Қўчор Ҳантқуловнинг айтишига қараганда энди «кичик ферма» илгартигидек етти киши эмас, беш киши ишлайди.

1989 йилда ҳар бир ишловчи ҳисобига 32 килограммдан гўшт, 75 килограммдан сут етказиб берилмади.

В. ПУЛАТОВ.

малари аъзоларининг сийсий ва ахлоқий позициялари, ижтимоийликнинг соғилоғи, ичкиликбозлик, алко-голизм ва ғиёвандлик, аёллар кинойтичилиги ва баловатга етмаган ёшлар ўртасидаги ахлоқсизлик, қонун-қондаларни бузиш ҳоллари, шаҳарлар ва қишлоқларнинг социологияси, никоҳ ва оила-ни мустаҳкамлаш ва бошқа қатор масалаларни ўрганиши керак.

Аҳолининг мансабдор кишиларининг ҳуқуқий ахбороти эга эмаслигини ва ҳуқуқий билимлар университетлари расмийликнинг учунгина ишлайётганлигини ҳисобга олиб, бу университетларнинг программасини қайта кўриб чиқиб, уни янада қамровлироқ, тушунарлироқ қилиш

зарур. Ишни шундай йўлга қўйиш керакки, ҳуқуқ асосларини мактаб ўқувчисидан тортиб то министрча ҳам бўлсин. Бугунги кунда, ҳуқуқий давлатни шакллантириш ва ривожлантириш даврида бу ниҳоятда зарурдир. Чунки яқин вақтда 50 дан ортқ қонун қабул қилинади.

Фақатгина маъмурий органлар кучи билан ижтимоийкорликка қарши курашиш ва ҳуқуқ-тартибнинг мустаҳкам муҳофаза қилиниши мумкин эмаслигини ҳисобга олиб, кўпчилик халқ дўстларини, ўртоқлик судлари, тартибни муҳофаза қилиш жамоат пунктлари Советларининг составини қайтадан кўриб чиқиш лозим.

М. Ф. БЕКНОЗОВА —

область соғлиқни сақлаш бўлимининг мудири



ОБЛАСТДА «Саломатлик» комплекс программаси амалга оширилмоқда. Бу программа медицина хизмати кўрсатишни яхшилашга, даволаш-профилактика муассасалари моддий-техника базасини ривожлантиришга кўмаклашишни керак. Биз кўлаб малакали мутахассисларга, соғлиқни сақлаш муассасаларининг кенг ривожланган тармоқларига эгамиз. Уларнинг ҳаммаси аҳоли соғлиғини бир мунча яхшилаш имконини бермоқда. Бироқ, докладыда таъкидланганидек, аҳолига медицина хизмати кўрсатишнинг бутунги аҳволи давр талабларига жавоб бермапти.

Соғлиқни сақлаш муассасаларининг 45 проценти мослаштирилган биноларда жойлашган. Областда ҳар бир бемор учун 7—9 квадрат метр ўринга 3,5 квадрат метр жой тўғри келади. Паркент, Пискент, Орқонкид-зе районларидаги аҳвол, айниқса ташвишлидир.

Тўғри, кейинги йилларда 50 та маъмурий бино даволаш муассасалари учун бўшатирилди. Аммо ҳозир ана шу бинолар қийматини тўлашни биздан талаб этишлпти. Масалан, Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозини 500 минг сўм даъво қилипти. Бунинг устига колхоз амбулатория учун берган биноси наҳингитига ҳисобламади унга 3 процент ҳажмидаги жеримани ҳам қўшапти. Савол туғилди: шу амбулаторияда даволанадиган колхозчилар ҳўжалик учун бе-гонами? Уларнинг саломатлиги колхоз раҳбарларини ташвишлантирмайдими?

Бизга топширилган биноларни ремонт қилиш учун қанча вақт, меҳнат сарфаларини кераклигини биласизларми? Уларни тейроқ ишта тушириш учун бош врачлар жон куйдиришлпти. Уларнинг беморларга зарур шарт-шароитларни яратиб бериш масаласи билан шу-

Т. К. МАДИЕРОВ —

Урта Чирчиқ районидagi Ким Пен Ха номли колхоз раиси

Биз мамлакат социал итисодий тараққиётини жадаллаштиришда ижара пудратининг ролига алоҳида эътибор бермоқдамиз. Колхозимиз сўт-товар ферма-сида ижара пудрати жорий этилгандан бери, бир қатор ўзгаришлар рўй берди. Бу шароитда инсон яна ҳам самарали ишлашга ҳаракат қилмоқда. У ўзини ҳўжайиндек ҳис этапти. Шу боис-

ғуланиши кераклиги табиий. Бироқ, жойлардаги ҳўжалик корхона совет ва партия органлари томонидан амалий ёрдам ҳам керак.

Маъмурий биноларнинг бўшатиб берилаётганлиги яхши. Лекин бугунги кунда шунинг ўзи кифой қилмайди. Бизга замонавий медицина асбоб-ускуналари билан жиҳозланган типовой шифохона ва поликлиникалар жуда зарур. Областда шундай аjoyиб фермалар қуриляпти, уларда ҳар бош ситир учун 5 минг сўм сарфланади. Бизда шундай шифохоналар борки, битта ўрин 4 минг туради, умуман област бўйича эса 10—12 мингдан ошмайди.

«Саломатлик» комплекс программаси фақат соғлиқни сақлаш органлари учун ишлаб чиқилган, деб тушу-нишлди. Бунга алоқадор бўлган кўпгина корхоналар қозғола бор ҳолда. Области-миздаги кирфча йирик корхонадан фақат тўғизтақисагина медицина-санитария қисми мавжудлиги ҳам шунинг кўрсатиб турапти.

Областда ҳамон баъзи иختисослашган бўйича врачлар етишмапти. Болалар врачлари етишмаётган бир пайтда Урта Осиё медицина педиятрия инсти-тутини кейинги уч йил ичида 96 нафар врачни кам бериб, тақсирот планини бажармади. Бунинг устига областъ кишлоқ районлари-га юборилган 68 нафар ёш врач у ерга бормай, Тошкент шаҳрида қолиб кетди.

Атроф-муҳит, меҳнат ва яшаш шароити ҳам касал-ликнинг кўпайиши сабабларидан берибди. Олмалик, Бекобод Чирчиқ шаҳарлари ва умуман кишлоқ районла-рида кейинги йилларда эко-логия вазияти ёмонлашди. Зарарли моддалар чиқариш кўпайиб кетётганлиги сабаб атмосфера ҳавоси бу-зилмоқда. Области-мизда то-залаш ишнотларининг қув-ватсизлиги натижада оқа-ва сувлари тўла тозаланма-пти.

Касб касаллиги кўпаймоқ-да. Чунки айрим корхона-ларда меҳнат жараёнини автоматлаштириш ва меха-низациялаш даражаси бутун-ги кун талабларига жавоб бермапти.

Бугунги кунда саломат-лик учун ягона кураш фрон-тини барпо этиш мумкидир. Бу фронт медицина, ҳўжа-лик, жамоатчилик ҳамда совет ва партия органлари куч-гайратини бирлаштири-ш иштиқболлари ҳам кўзга ташланмапти.

Ҳозирги кунда районимиз-да 19 мингдан ортқ киши богдорчилик-узумчилик шир-катлари учун ерга 2 йилдан бери навбат кутиб турибди. Фақат ваъда билан қўйни-мизни пуч ёнгоққа тўлдир-ишлпти. Шунга ҳам айтиш керакики, кўпгина тортиш-лардан сўнг Коммунистик райони территориясидан 100 гектар ер ажратилди. Бу ерларга сувнинг чиқиши амримаҳол. Кам деганда 200 метр бургилаш керак. Бун-дай аҳволда богдорчилик-узумчилик ширкатини қан-дай қилиб ривожлантириш мумкин.

Чорвачилар ва озуқа етиштириш бўйича ижара пудрати жорий этилди-ю, аммо бошқа соҳаларда бу усулнинг сўт қўлланилаёт-



ганлиги ўзаро ҳисоб-китоб ишларини йўлга қўйишда баъзи қийинчиликлар келти-риб чиқармоқда. Ҳамма иш-лаб чиқариш бўлиналари тўла ижара пудратига ўт-казилгандагина турли хил исрофгарчиликлар йўли тў-силади. Шунинг ҳисобга олиб, бугунги кунда барча цех структура бирлиги ижара пудратига ўтказилгандир. Бу ҳол ўз навбатида баъзи қо-нуниятларни келтириб чи-қарляпти. Сўт-товар фермаси, марказий ремонт устхона-сини, транспорт, қурилиш бўлимлари, болалар богчаси, маданият муассасалари, бо-шоқа устакчалар йил даво-мида ишлайди. Пахтакорлар эса ижарачи сифатида ярим йилдан кўпроқ вақт ишлай-ди. Натижада 100 минг но-ишлаб чиқариш ишчи кунини ҳосил бўляпти. Ишчи ре-сурслардан оқилона фойда-ланиш учун энди улардан кенг истемо бўюмлари иш-лаб чиқаришда фойдаланиш-

О. Ж. ИСМОИЛОВ —

Чилонзор район Совети ижроия комитети раиси



— Мен учта муаммо у-стида тўхталмоқчиман. Би-ринчиси озиқ-овқат масала-сидир. Бу ҳақда кўп гап бўлди. Агарда статистика тили билан гапирадиган бўл-сак, Чилонзор райони ке-йинги икки йил давомида 2 минг тоннага яқин сабза-вот, картошка, мewa, узум-ни кам олди. Бунинг устига Россия Федерациясидан кел-тирилятган картошка та-нарни ошиб бораляпти. Ҳозир ҳар килограмм картошка 25 тингига тушмоқда. Бундан фақат бизнинг районимизда-гина 2 миллион сўм зарар кўрилди. Агарда Тошкент шаҳри бўйича бу соҳадagi аҳвол таҳлил қилинса, қури-лаётган зарар яна ҳам кат-талиги маълум бўларди.

Биз Тошкент областида бўш етган, кам рентабелли ерлар борлиги ҳақида кўп айтилган. Лекин областъ агросаноат комитети раис-ининг сўзидан шу нарсa ма-ълум бўляптики, бу ерлар-дан фойдаланиш истиқболли бугунги кунда кўринмапти.

Ерлардан фойдаланиш ва богдорчилик, узумчилик ширкатларини ривожланти-риш истиқболлари ҳам кўзга ташланмапти.

Ҳозирги кунда районимиз-да 19 мингдан ортқ киши богдорчилик-узумчилик шир-катлари учун ерга 2 йилдан бери навбат кутиб турибди. Фақат ваъда билан қўйни-мизни пуч ёнгоққа тўлдир-ишлпти. Шунга ҳам айтиш керакики, кўпгина тортиш-лардан сўнг Коммунистик райони территориясидан 100 гектар ер ажратилди. Бу ерларга сувнинг чиқиши амримаҳол. Кам деганда 200 метр бургилаш керак. Бун-дай аҳволда богдорчилик-узумчилик ширкатини қан-дай қилиб ривожлантириш мумкин.

Чорвачилар ва озуқа етиштириш бўйича ижара пудрати жорий этилди-ю, аммо бошқа соҳаларда бу усулнинг сўт қўлланилаёт-

га тўғри келмоқда. Бу соҳа-да пискентликларнинг пахта-ни қайта ишлаш тақрибаси қўл келиши мумкин. Шар-тонома асосида пахтани қайта ишлаб бера оламиз. Бу тў-қимачиларга ҳам, ўзимизга ҳам фойдали бўлади.

Кооперация биз учун ик-кунчи илзаниш ва мустақиллик йўлини очиб берди. Бюро-ратлар, маъмурий йўл би-лан таъйиқ ўтказишлар қи-майди. Лекин инструк-циялар, қундалик маълум-от сўрашлар барҳам то-ганича йўқ. Тармоқ орган-лари ҳамон қайси ерга ни-ма экиш, қанча ҳосил олиш кераклиги ҳақида бизга ю-ридан топшириқлар бериб турибди. Чорвачилик соҳа-сида ҳам шундай аҳволни кўриш мумкин. Табиий пи-чан тайёрлаш маҳсулот та-нарихига, оқибатда колхоз-экономикасига қандай таъ-сир қилишини эса ҳеч ким ўйламайди.

ХИХ Бутуниттифок партия конференциясида очилди-ни айтилганидек, колхоз ишига бундан бўён ара-лашишни бас қилиш керак. Партия аянқамани қабул қилган бу қарор қачон ба-жарилади. Партияда демок-ратик централизмга амал қилиш, юқори партия орган-и қабул қилган қарорни қўйи-ташкилотлар албатта бажари-шин зарур. Партия қарор-ларини амалга ошириш йўли-да бор имкониятларимизни ишта солайлик.

Иккинчи муаммо ушбу конференцияга таёргарлик мубосабати билан областъ партия комитетининг иш усу-лини ҳусусидир. Биз 1989 йил ниҳоятда тигиз бўлади деб гапирмоқдамиз. Бугун биз қабул қилган қарорда ва ҳисобот докла-дида аниқ ҳаракат програм-маси белгиланиши лозим эди. Лекин ҳужжатлар би-лан танишиб, бунинг сезилма-миз. Чамаси ҳужжатларни тайёрлашда кўпгина делегат-лар жалб қилинмаганга ў-хшайди. Область партия ко-митети сайлаб қўйилгандан органларни шакллантириш-да делегатларни жалб қилиб, тўғри қилди-ю, аммо қарор лойиҳасини ишлаб чиқишда шундай йўл тутмади.

Область партия комитети-нинг янги состави комиссия-ларга эмас, гуруҳларга бў-линиб, социал-иқтисодий та-раққиётни ривожлантириш билан боглиқ партия ҳўжа-жатлари қандай бажарила-ётганлигини мунтазам назо-рат қилиши зарур. Ҳисобот докладыда ва бошқа ҳўжатлар-да Ўзбекистон Компартия-сини Марказий Комитети бюроси ва республика ми-нистрлар Советининг бундан уч йил муқаддам Тошкент шаҳри бўйича кўрсатмаси-нинг қандай бажарилаёт-ганлиги ҳақида лой-мим де-йилмади. Албатта ҳисобот даврида қабул қилинган бар-ча қарорларни эста олиб ўтиш қийин. Аммо Ўзбеки-стон пойтахтини ривожланти-риш бўйича қабул қилинган ҳўжатлардан қай тарзда ба-жарилаётганлигини таҳлил қилиб кўриш лозим эди.

Ишни қайта кўриш бўйи-ча ҳам бир неча огиз сўз айтимоқчиман. Бир қатор министрликлар ва идоралар бу жараёни маҳаллий совет ва партия органлари билан келишмаган ҳолда ўтказял-пти. Бунга Чилонзор райони-ни мисол қилиб келтириш мумкин. Гўё областъ партия комитети секретари ўртоқ Гордиенко билан келишган ҳолда «Промстрой» трестини қайта ташкил этишга кири-шилди. Районимизда жой-лашган трест аjoyиб кол-лектив сифатида ном чиқар-ган. Тошкентдаги кўпгина турар-жойлар, социал обь-ектлар қурилишида фвал иштирок этаётган эди. Бун-дай қайта қуришлар ишта ёрдам берармикан?

Абдуқундузовлар ўқувчи-лар меҳмонни бўлишди.

Она тили ва адабиёт ўқи-тувчиси Рихси Шойайдо-рова йилгиланларга ота-кон театрини тарихи, унинг етакчи ва ёш актёрлари иккунчи ҳақида сўзлаб берди. Шундан сўнг санъаткорлар ўлардан иштирок этган саҳ-на асарларидан «Арчалар» намойиш этидилар. Кеча сўнгиде мактаб директори Ж. Содиқов урчашунда иш-тирок этган актёрларга йи-гилсанлар номидан миннат-дорчилик билдирди.

М. ҚОДИРОВА.

ЕРДАМЧИ ҲўЖАЛИК — КОНИ ФОЙДА

ИЖАРАГА БЕРИЛДИ

ЎТГАН ЙИЛИ ҳар бир ки-лограмми гўштнинг таннарихи 1 сўм 98 тингидан тушган эди. Бу йил эса ана 20 тин-гиданга арзонлаштириш кўзга тутилмоқда. Оҳангарлар доим маҳсулотлари комбинати бўйича ҳўжа-тида ўн ой мобайнида ҳар бир иловчи ҳисобига 22 килограмм гўшт, 60 литрдан сўт тақва-тилди. Бу мўлжалланганда анича кўп эди. Ишни тўғри ташкил этиш, резервлардан унумли фойдаланиш ҳисоби-га ана шундай натижаларга

эришилапти. Ҳозир ёрдам-чи ҳўжаликда 100 бош қора-мол, 200 дан кўп қўй боқил-моқда. Насл олинчи ҳисобига бош оини кўпайиб бормоқда. Бу йил 13 та бузоқ, 80 та қўзи олинди. Соғиб олинган сўт миқдори 30 тоннадан ошиб кетди. Ёрдамчи ҳўжа-лик коллектив бугун йил давомида ишчи-хизматчилар-ини ишорачилик маҳсулотлари билан узуксиз таъминлаш, ишловини муваффақиятли ўтказишга пухта тайёрлар-лик кўрди. Корхона терито-

риясидаги, дам олиш зона-сидаги е

СССР — умумий уюмиз — • Биз ўзбек тилини қандай ўрганамиз

БИРИ—ҲАСАН, БИРИ—ҲУСАН



ЕШИМ 40 да. Тошкентда туғилган. Рус ўқинган. Лекин менинг ота-онам — Муҳаммад ва Хусниқул Шанга-роевлар тарбиялаб, оғзақчиликни, ҳозир Куйбишев районидagi «Гулистон» маҳалласида истикомат қиламан. Хотиним — Римма Петровна — фаррош. Тўрт фарзандим бор.

Ишлаш жойим — Тошкент шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасининг автобазаси. Касбим — слесарий.

Эсимни танибманки, интернационал муҳит менга ҳамроҳ бўлиб келмоқда. Болаликдаги дўстларим — Абдусаттор Ақромов, Абдуманнон Ақромов, Вячеслав Феоктистов, Андрей Калужиний, Рашид Зайниддинов, Виталий Ким сингарилар билан биргаликда катта бўлдим. Уларнинг бирлари ўзбек, бирлари рус бўлса, баъзилари татар ва қорейслардир. Улар билан ҳозир ҳам тез-тез кўришиб тураман, оилавий борди-келдимиз бор.

Бизнинг «Гулистон» маҳалламизда ўндан ортиқ миллат вакиллари яшайди. Кўчаларимизнинг номлари ҳам фарқли.

Масалан: Волга, Дунай, Днепр, Владивосток, Латвия, Литва, Эстония, Бессарабия, Доғистон, Карелия ва бошқалар. Маҳаллада асосий кўпчиликни ўзбеклар ташкил этади. Маҳалла комитетимизнинг раиси — Сайфулла ака Оқмирзаев.

ҳар биримизнинг оиламизни жуда яхши билади. Замонавий байрамлар, турли хил учрашувлар, анъанавий сайлалар, туй-томосшлар дейсизми — ҳаммасига тез-тез таклиф қилиб туради. Ҳатто, қанчалардан ҳам четда қолмаймиз. Бундай иқноклик, алоқ-чапоқлик, бир-биримизнинг ҳаётимизга актив аралашувлар бир-биримизнинг дилимизни яхшироқ тушунишга, қўндоқлик хурсандчилиқларимизни, ташвишларимизни, оилавий қийинчиликларимизни бирга баҳам кўришга қўмаклашади. Бир-биримиздан бекитадиган сиримиз йўқ. Ҳамма нарса қафсиздек. Биронимизнинг бошимизга оғир кун тушиб қолса, дарҳол югуриб борамиз. Мен рус, сен ўзбек эки сен татар деб ўтирмаймиз. Бундай деб ўйлашнинг ўзи уят, шаъвоқлик бўлур эди.

Деярли 20 йилдан бери бир ерда ишлайман. Автобазга биринчи бор қадам қўйган кунимданок менга Эргаш ака Ибрагимов, Омон ака Пулатовлар устозлик қилишди. Ҳозир ҳам биргаликда. Эндликда менинг ҳам ўз шогирдларим бор. Асад Умаров, Асад Усмоновларга касбининг сир-асрорларини ўргатганман. Қаранг-а, менга ўзбек йиғити устозлик қилган бўлса, ўзбек йиғитларига ҳам мен устозлик қилаялман. Ҳаммаси «Юра ака-чи, Юра ака!» деб бошларига кўтаришди. Бундан ортиқ бахт бўладими! Яшаш ва меҳнат қилишнинг гашти шу бўлса керак-да!

Хўш, ана энди ўртада яна бир нозик муаммо бор. Қаерда қайси тилда гаплашсиз, деб сўрасиз... Уринги савол, Чунки кейинги пайларда миллатлараро муносабатларда тил масаласига анча-кунча эътибор бериб қолинди.

Менинг фикрим шундай. Фалон тил яхши, фалон тил ёмон деб бўлмайди. Бу но-ўғри. Ҳамма тил яхши. Тил билган, дил билади, дейди халқимиз. Тарихда йирк ар-бобларнинг, ғузувчиларнинг, дипломатларнинг ўйлаб-тиллари билганликлари бежиз эмас, албатта.

Лекин масаланинг нозик битта жиҳати бор. Мен ҳали

айтганимдек, Ўзбекистонда яшасан, ўзбек тилини билмасан, яхши бўладими? Йўқ! Ўзбекларнинг урф-одатларига аралашмасан, дурустми? Йўқ! Мен оиламда рус тилида, ота-онам билан татар тилида, маҳаллада ва ишхонамда ўзбек тилида сўзлашаман. Мақтанаяпти деган-у, мен ўзбек тилида гапирганимда бошқалардан фарқ қилмайман. Демак мен учун рус тили — Ҳасан бўлса, ўзбек тили — Ҳусан. Икки тил — икки кўзимдай гап. Бирини бирдан кам кўрмайман. Аммо, ўзбек тилини мукаммал билишни билан фахорланаман. Шу боисданми қайдам, фарзандларимга ҳам интернационал исмлар қўйганман. Бирининг оти — Алина, русча. Бир — Ноила, ўзбекча. Бир — Илнура, татарча. Ўзини баҳо беринг, нимаси ёмон! Эшитганимиз, бол туғган, бармоқлар, деган нақл бор. Ишқилиб ҳозирча ўзининг бу табииётиндан, иш тутиш алоқасидан ёмонлик кўрганми йўқ. Қаерга бормай, келинг, Юра ака, дейишди. Тилини билсанг ҳамма қариндош, деб юрардилар отам. Ўз ҳаётимда бу гапнинг тўғрилигига юз карра ишонч ҳосил қилдим!..

Юрий ШАНГАРЕВ, автолесарь.

ОҚҚУРҒОН ЯНГИЛИКЛАРИ

Фольклор ансамбли тузилди

Оққўрғон район марказий маданият уйида фольклор ансамбли ташкил этилди. Ансамбль аъзолари 50 нафардан катта ёшдаги кишилардир. Бундай ансамбли тузишдан мақсад халқимизнинг унутилиб кетган яхши расм-русум, халқ оғзаки ижоди, классик куй ва қўшиқлари ҳамда анъаналарини қайта тиклашдир. Ансамбль аъзолари ҳозир қадимги куй, қўшиқ ва рақсларни йиғиб ўрганишмоқда.

Соғломлаштириш комплекси

Райондаги Султон Сегизбоев номи совхозда соғломлаштириш комплекси қурилиши бошлаб юборилди. Ушбу комплексда спортнинг барча турлари бўйича хоналар ҳамда кишилик бассейни қурилиши мўлжалланмоқда.

Конференция номи билан

«Ленинизм» колхози меҳнатчилари район XXXIII партия конференцияси арасида шу ном билан атайган боғ барпо этилди. Майдони 5 гектар бўлган бу боғга колхозчилар турли хил мева-дарехлар ўтказди.

М. ТОЖИБОВЕВА.

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

ЭРКАКЛАРГА МАСЛАҲАТ СОВҒАГА—УПА—ЭЛИК

Янги йил кечаси — кутлмаган ёқилми янгиликлар кечасидир. Ҳар бир оила аъзоси ўз уй-ичини совға-салом билан хушнуд эттишга ҳаракат қилади. Айёллар совға ташлашга моҳирроқ бўлишади, чунки улар турмуш ўртоғига, қизига, ўғлига нима манзур бўлишини аввалдан билишади. Эркаклар эса кўпинча бу муаммо олдида иккинчи қўлақлар: хотинига ёки бўйи етиб қолган қизига, опа-сингилларига ёки онасига нима ёқини ҳамма ҳам билавермайди-да!



Чироили қилиб ўралган парфюмерия термаси хонадонингиздаги қиз-жувонларга кўнглидагидек совға бўла олади.

Қуйдаги парфюмерия термаларини эътиборингизга ҳавола қиламиз: «ТОҲИР ВА ЗУҲРА» ва «АРАБЕСКИ». Баҳоси — 10 сўм.

ТОШКЕНТ ПАРФЮМЕРИЯ-КОСМЕТИКА ФАБРИКАСИ. «СОЮЗТОРГРЕКЛАМА» БУТУНИТИФОҚ БИРЛАШМАСИНИНГ ЎЗБЕКИСТОН АГЕНТЛИГИ.

«ЎЗБЕКФИЛЬМ» КИНОСТУДИЯСИНИНГ КИНОАКТЕР ЭКСПЕРИМЕНТАЛ ТЕАТР СТУДИЯСИ 2 январдан 7 январгача Кино уйи биносида

ЯНГИ ЙИЛ ТОМОШАЛАРИ ТАШКИЛ ЭТАДИ

Томошалар — соат 11 ва 14.00 да бошланади. Билетлар кино уйи кассасида соат 13 дан 19.00 гача сотилади.

Нақд пул тарқасида ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўлаган ҳолда коллектив буюртмалар қабул қилинади.

Адрес: Тошкент шаҳри, Ўзбекистон проспекти, 98-уй. Справкалар учун телефонлар: 45-79-12, 77-69-52.

МАРКАЗИЙ «ЮБИЛЕЙ» СПОРТ ЗАЛИДА 29 ДЕКАБРДАН БОШЛАБ 8 ЯНВАРГАЧА БОЛАЛАР, СИЗЛАР УЧУН!

«СЕҲРЛИ ГУЛ» ЯНГИ ЙИЛ ЭРТАГИ

КАТНАШАДИЛАР: Қорбобо, Қорқиз, Ўлмас «Кашей», «Бармалей», Ялмоғиз кампир, қароқчилар, афсунгар Фей.

Совет цирк артистлари ўргатилган жониворлар билан чинпилади.

Муаллифлар: Александр ЛЕВИН, Юлия ЛАРИОНОВА.

Композитор — Владимир КОЖЕВНИКОВ.

ТОМОШАЛАР:

- 29 декабрда — соат 11.00 да;
- 30 декабрда — соат 11, 13, 15.00 да,
- 31 декабрда — соат 11.00 да.
- 1 январда — соат 15.00 да,
- 2, 3, 4, 5, 6, 7, 8 январда — соат 11, 13, 15.00 да бошланади.

БИЛЕТЛАР СОТИЛМОҚДА.

Билетларни «ЮБИЛЕЙ» спорт саройи, цирк кассаларидан ва район вакилларидан соат 10 дан 20.00 гача сотиб олиш мумкин.

Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.

Справкалар учун телефонлар: касса — 46-03-12, администратор — 46-07-53, 46-68-77.

«Ўзэлектромонтаж» ихтисослашган трестнинг ТОШКЕНТДАГИ 1-МОНТАЖ БОШҚАРМАСИ электромонтажчилар курсига

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Курсларга Совет Армияси сафарида хизмат қилиб қайтган ёшлар ва Тошкентда пропискида турувчи касб-кори бўлмаган кишилар қабул қилинади.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Кабулқов кўчаси, 43-уй. Телефон: 33-78-89.

Махсус қурилиш-монтаж министрига ўқув комбинати: Тошкент шаҳри, Черкасская кўчаси, 26-уй. Телефон: 67-19-33. Тошкентдаги 1-монтаж бошқармаси.

В. П. Чкалов номидаги Тошкент авиация ишлаб чиқариш базасидаги 33-УРТА ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ 1988-1989 ўқув йили учун

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

БИЛИМ ЮРТИ РАҚАМЛИ ПРОГРАММА БИЛАН БОШҚАРИЛАДигАН СТАНОКЛАРИНИНГ ОПЕРАТОРИ, УЧИШ АППАРАТЛАРИНИНГ ЙИГУВЧИ-СЛЕСАРИ, ФРЕЗЕРЧИ ИХТИСОСЛАРИ БУЙИЧА ЮҚОРИ МАЛАКАЛИ КАДРЛАР ТАЙЕРЛАЙДИ.

Маъмулотлар гуруҳларининг комплекташувига қараб бошланади.

Ўқиш муддати — 6 ой.

Ўқишга 10-сифини тамомлаган кишилар, шунингдек Совет Армияси сафарида хизмат бурчини ўтаб қайтган, ўрта маълумотли, Тошкент шаҳрида ва Тошкент об-ластининг пойтахта яқин районларида яшовчи ёшлар қабул қилинади.

Билим юртига қабул қилинганлар 65 сўм стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси ўтатиш даврида ишлаб топган меҳнат ҳақининг 50 процентини олади.

БИЛИМ ЮРТИДАГИ ЎҚИШ ДАВРИ МЕҲНАТ СТАЖИГА ҚЎШИБ ҲИСОВЛАНАДИ.

Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар талаб қилинади: паспорт, ўрта маълумот ҳақидаги аттестат, яшаш жойидан справка, 4 донa фотосурат (3х4 ва 4х5 см. ҳажмида).

Бизнинг адрес: 700207, Тошкент шаҳри, Генерал Петров кўчаси, 331-уй (8, 30, 151, 171-автотўслар; 6, 29-трамвайларнинг «С. И. Калпаш» номи билим юрти» бекати). Телефонлар: 96-58-20, 96-39-72, 96-47-70.

Тошкент область автовокзаллар ишлаб чиқариш бир-лашмаси коллективи «Ташсельмаш» автостанцияси бош-лиғи

Мирсодиқ ТОИРОВНИНГ вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, мар-хумининг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

СПОРТ

Халқаро турнир

ТБИЛИСИ шаҳрида ёшлар ўртасида халқаро турнир бўлиб ўтди. Унда СССР, Поляша, Руминия, ГДР, Венгрия, Болгария, Голландия, Куба ва Фин-ляндия мамлакатларидан юздан ортиқ қобилиятли ёшлар иштирок этидилар. СССР терма командаси устозларни келаси йил Пуэрто-Рикода ёшлар ўртасида ўтказиладиган жаҳон бирин-чилиги олдидан ана шу йи-рик мусобақада қатнашиш-га даъвогар бўлган ном-зодларни яна бир бор синаб олдилар. Шуниси қувонч-лики, бу синовлар республи-камиз вакиллари хусусан Наримон Отаев ҳам му-ваффақиятли ўтди. СССР биринчиликлариининг иккин-чи бор совриндори, Бутунитти-фоқ турнирлари иштирокчи-си Н. Отаев 63 килограммга-ча вазилилар баҳсида биринчи ўринни эгаллади. Яна икки вақилимиз Игорь Медведев 67 килограммгача, Алишер Авазбоев 81 кило-граммгача вазилилар баҳси-да бронза совриндори бўл-дилар.

Гроссмейстер хотира соврини учун

ШАХМАТ бўйича рес-публикада биринчи бўлиб гроссмейстер ўлвонига му-ассар бўлган Георгий Азза-мов хотира соврини учун ўтказиладиган мусобақа кат-нашчилари 10 тур ўйинла-рини аяқладилар.

Юртоев (битта партияни кечтирган) ва Серперлар 7,5 тадан очко билан пеш-қадамлик қилишмоқда. Не-нашев ҳисобида 6,5 очко бор. Бу пешқадамлар ҳали ўзаро донa сурганлари йўқ. Шунинг учун турнирнинг кейинги учрашувлари катта қизиқиш туғдирмоқда.

Иккаласида мағлубият

ТОШКЕНТНИНГ Ар-мия спорт клуби баскетбол-чилари мамлакат чемпио-натининг навбатдаги тур ўйинларини Москва об-ластининг «Строитель» коман-даси билан ўтказдилар ва ҳар иккала учрашувда мағ-лубиятга учрадилар. Бу ўйинларда қуйидаги натижа-лар қайд этилди: 88:95; 78:95.

БИЛГАНЛИГИМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

ўйнардим. Баъзан бизникида, гоҳи уларникида чой ичиб, ов-хатлашиб ҳам кетавердик. Биргаликда китоблардаги рас-мларни томоша қилганимиз, киноларга борганимиз ҳам кечадгидек эсимда. Ота-она-ларимиз эса тўйларда, муси-батли кўнларда борди-келди қилишарди. Бундай иқноклик муҳитининг таъсири бўлса ке-рак, ўзбекча гапирини ҳеч қийнамай ўргатганман.

Кейинчалик ўрта мактабда, институтда русча ўқидим. Лекин ўша пайларда ўқувчи-ларга ҳам, студентларга ҳам программага мурофиқ ўзбек тилида дарс ўтиларди. Олий ўқув юртида ўзбек тили грам-матикасини пухта ўлашти-

ришга интилдим ва бунга маъ-лум даражада эришдим. Ана шу ҳаракатим кейинчалик ки-ши-лоқ районларидagi ўзбек мак-табларидан бирида физика-дан дарс беришга тўғри кел-ганда жуда асқотди. Ўқитув-чи бўлиб ишлаб эканман, мен урф-одатлар, сўзлашув ше-валарини ҳам билиб олдим. Ўзбеклардаги оқибат, фар-зандларнинг ота-оналарига бўлган иззат-хурмати менда ана шу тилга меҳр уйғотди.

Бора-бора ўзбекча луғатга доимий мурожаат қилишни ўз олдимга қатъий вазифа қи-либ қўйдим. Бу менга адабий тилим мукамилроқ билиб олишимга ёрдам берди. Ўз-бек тилини билишим туфай-

ли одамларга икки томонла-ма фойдам тегарди. Ўзбек ҳамкасбларимга русча сўз-ларини, рус ўртокларимга ўз-бекча сўзларини таржима қилиб тил билимайдиганларнинг хо-жатиини чиқарардим.

Нокамтарлик бўлса ҳам айтаман, тил билганлигим ту-файли одамлар менга ҳар қандай масала юзасидан очик дилдан мурожаат қилишар, жуда хурмат билан муноса-батда бўлишар эди.

Ғалаба район ижроия коми-тети, область халқ контроли комитетиде ва бошқа лавозим-ларда ишлаган пайларимда ҳам ўзбек тилини билганлигим ўзим ва бошқалар учун жуда катта қўлайлик яратди. Урни

Ф. Қурбонбоев фотолари. (ЎЗТАГ).

Демократияни ўрганайлик

ОШКОРАЛИК ва демо-кратия туфайли одамлар ўзларининг — орзу-умидлари, ташвишлари ҳақида руй-роқ гапиряптилар. Ишга салбий таъсир кўрсатаёт-ган барча иллатларни йўқ қилишга, иқобий натижа берувчи тадбирларни кўпроқ амалга оширишга интилиш катта. Аммо ҳамма жойда ҳам шундайми?

Республикамиздаги сало-батли идоралардан бири бўлимиш «Ўзспортторг» таш-килотиде шу кунларда юз бераётган воқеалар бу бо-радаги ишларимиз ҳали аяқайин оқсатганидан да-лолат беради.

Мана, деярли бир йи-лдири, «Ўзспортторг»да ди-ректор йўқ. Бу вазифани вақтинча унинг ўринбоса-ри В. Я. Деметьев ўтаб ту-рибди. Ана шундай вазиятда бу ерда ноябрь ойида бў-либ ўтган партия ташкило-ти бюроси Янгиликда ди-ректорликка сайловлар ўт-казиш масаласи кўтариб чирилди. Партияро аъзо-лари бу муаммони узиш-кесил ҳал қилиш учун оқиб-партия Янгиликда чакриш лозим, деб топдилар. Орадан бир ҳафта ўтгач, оқиб-партия Янгиликда ҳам бў-либ ўтди. Дастлаб директор-нинг сайлаш масаласи торг раҳбарияти тазкини остида Янгиликда кун тартибидан олиб ташланди, аммо кўп-чилик коммунистларнинг талабига кўра бу маса-ла қайта тикланди. Янги-ликда иштирок этган ко-мунистлар ва партиясизлар кўпчилиги овоз билан шун-

дай қарорга келишди: Директорликка сайлов ўтказиш масаласини муҳо-кама қилиш учун конфе-ренция чакриш, унга «Ўз-спортторг»нинг барча му-ассасаларидан делегатлар таклиф этиш лозим. Кон-ференцияни 25 ноябрь кунини ўтказишни келишиб олиш-ди. Шунингдек, беш ки-шидан иборат ташкилий комитет ҳам тузилди, уларга «Ўзспортторг»нинг

ган конференция иштирок-чилари «Ўзспортторг»га ди-ректор сайлаш мумкин де-ган қарорга келдилар. Уларнинг фикрича, бу СССР Давлат корхонаси (бирлашмаси) ҳақидаги Қо-нунга, КПСС Марказий Ко-митети, СССР Министрлар Совети ва ВЦСПС қарорига, қолаверса, «Ўзспортторг»нинг ўз Уставига зид бўл-маган қарор эди.

Конференция 11 кишидан

САЙЛОВ НЕГА ЎТКАЗИЛМАЯПТИ?

ҳамма муассасалари кол-лективларининг конференция ва ўтказиладиган кун, делегатлар сонини ҳақида ҳар-бардор қилиш ваколати топ-ширилди.

«Ўзспортторг» раҳбария-тининг «конференция» бе-кор қилинди» деган маъ-мудати сохта телеграм-маларига қарамай, белги-ланган кунда 27 муассаса-дан 123 делегат конфе-ренцияга етиб келди. Фа-қат 12, 14, 15, 16, 17, 24, 25-магистралларнинг кол-лективларининг сохта теле-граммага ишониб, бу тад-бирга ўз делегатларини жо-ба ра олмадилар.

Хуллас, кун тартибига қўйилган масалаларни ҳар томонлама муҳокама қи-

иборат конкурс комиссия-сини сайлади, сайловни 23 декабр кунини ўтказиш, меҳ-нат коллективларидagi ҳар-бир кишидан бир деле-гат чакриш келишиб оли-нди. Бундан ташқари ди-ректорликка сайлаш учун, шу лавозимга муносиб сан-киш кишининг номзоди кўр-сатилди.

Бирок, кўп ўтмай бу ерда-ги демократия тарафдор-ларининг ишн чакисига ай-ланиб кетди. 1 декабр кунини «Ўзспортторг» раҳбария-тининг талаби билан «конфе-ренция директорликка сай-лов ўтказиш масаласини ҳал қилиш ҳуқуқига эгами-ди ёки йўқми?» деган маъ-мудати кун тартибидан билан партия ташкило-ти бюроси

Янгиликда чакрилди. Бу ерда демократик сайловлар ўтказишга қаршиллар кўпчи-лики ташкил қилиди-ю, на-тижада, мазкур Янгилик партияро секретари Б. Ро-зиқов ва бирлашган каса-ба союз комитети раиси О. Вишняковага сайловлар-нинг беқор қилингани ҳа-қида бутун коллективни ҳа-бардор қилиб қўйиш вази-фасини топширди. Шу ўринда Ўзбекистон ССР Савдо ми-

га кўра бундай сайлов ўт-казиш ўта қонуний эканли-гини исботлашга уриниш-моқда. «Ўзспортторг» ўз-структурасига кўра бир не-ча магазинлар ва базаларни бирлаштириб турган бир-лашмадир, дейишяпти улар. (Бу даъвои «Коммерческий вестник» нашрининг 21-со-нида эълон қилинган «Дав-лат корхонаси ҳақидаги қо-нун — савдо» деб номлан-ган юридик шарҳ ҳам узи-л-кесил тасдиқлайди). Бир-лашмага эса, СССР Дав-лат корхонаси (бирлашма-си) ҳақидаги Қонунга му-вофиқ директор сайлаш му-мкин...

Расман сайлов ўтказиш «Ўзспортторг»да тақиб-лаб қўйилди. Аммо, демократ-ик ўзгаришлар тарафдор-лари бу тақини ноқонуний деб ҳисобламодалар. Ким ҳақ, ким ноҳақ эканлиги ҳозирча номаълум. Ўзбеки-стон ССР Савдо министрли-ги эса бу масаладан четда турбиди. Ҳар қалай бу бо-рада унинг иштироки се-зилганча йўқ. Мазкур ми-нистрлигидagi ўртоқлар бу муаммога қандай муносабат билдирадилар?

У. АБДУСХИДОВ, А. ҲАКИМОВ.

(«Тошкент ҳақиқати»нинг навбатдаги сонини 30 декабрда чиқадиган).

Редактор Н. НАСИМОВ.

ТОШКЕНТ ҲАКИКАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»)

БИЗНИНГ АДРЕС: 700083, ТОШКЕНТ ЛЕНИНГРАД КҲА-СИ, 32.

Редактор ўринбосарлари — 335885, 325747, 337916. 325748; масул секретарь — 334808, 325353; секретариат — 325750; БУЛИМЛАР: хатлар ва оммавий ишлар — 334048, 325354; идеология — 325778; саноят капи-тал қурилиш ва транспорт — 325749; қишлоқ ҳўжалиғи — 325647; совет қурилиши — 325733; адабиёт ва санъат — 325553; маданият — 325787; социал масалалар — 325556; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарвар-лик — 325645; эълонлар бўлими — 325727.